

Қадим ва ўрта аср олами



14:05 / 08.09.2023 1958

Ғарблик талабаларнинг Андалус ва бошқа ерлардаги исломий мадрасалар билан боғлануви фикҳ ва қонуншуносликка оид ҳукмлар мажмуининг ўз тилларига кўчишида катта рол ўйнади. Ана шу пайтда Овропада мустаҳкам низом ва одил қонунлар бўлмаганди. Ҳатто Наполеоннинг Мисрдалик даврида моликий фикҳидаги энг машҳур китоблар француз тилига таржима қилинди. Бу китобларнинг илкларидан «Халил китоби» бўлиб, у француз фуқаролик кодексининг мағзи (асоси) бўлган. Кодекс моликий фикҳи ҳукмларига ниҳоятда ўхшаш бўлган.

Аллома Седийо айтади:

«Африка араблари билан алоқаларимизда, хусусан, назаримизни тортган нарса – моликий мазҳаби бўлди. Франса ҳукумати доктор Беренга 1422

Йилда вафот этган Халил ибн Исҳоқ ибн Яъқубнинг фикҳга доир «Китобул мухтасар»ини французчага таржима қилмоқни топширди.

Қадим ва ўрта аср олами халқнинг ҳокимлар фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқини инкор этарди. Шунингдек, у билан ҳоким ўртасидаги алоқани қул билан хожаси ўртасидаги алоқадек қилишарди. Мамлакат подшоҳнинг хос мулки саналар, бошқа моллари мерос қилиб олинганидек, у ҳам меросхўрларига ўтарди. Ҳоким мутлақ хўжайин бўлиб, халққа нисбатан хоҳлаган ишини қиларди. Мана шунинг сабабидан амирнинг тахтдаги ҳиссасини талаб қилиб ёки қариндош-уруғлар мероси тўғрисида келишмовчилик учун бир давлат билан бошқаси ўртасида уруш чиқишини оқлашарди!

Урушувчи миллатлар ўртасидаги алоқага келсак, ғолиб мағлубнинг қўлидаги бор нарсани ватани, моли, обрўси, ҳуррияти ва иззатини мусодара қиларди. Ҳолат то Ислом ҳазораси барпо бўлгунча шундай давом этди. Ислом тамаддуни эълон этган тамойиллари ичида албатта халқ ўз ҳокимларини назорат қилиш тўғрисида ҳақ соҳиби экани ҳам бор эди. Чунки ҳокимлар халқ манфаатларини ва омонатни ҳимоя қилувчи виждонли кимсалардан фарқланмайдилар. Бу тўғрида тарихда биринчи марта халқ ичидан бирор киши чиқиб, ҳокимидан нима кийишини, қаердан келганини суриштириши воқеъ бўлди. Бунинг учун у ўлимга ҳукм қилинмайди, қамоққа судралмайди ва сургун этилмайди. Тоинки, у ва одамлар қаноат ҳосил қилиши учун ҳоким унга ҳисоботини тақдим этади. Тарихда биринчи марта ҳоким ўзини халқнинг қароли эканини, ихлос ила унга хизмат қилиши ва қаролга лозим бўлганидек, унга ҳам самимият лозим эканини эътироф этди...»

Албатта, юқорида зикр қилинган ўзгаришлар барча европаликларни хурсанд қилгани йўқ. Ўша ижобий ўзгаришлардан унда қатнашганлар ва уларнинг таъсир доирасидаги кишиларгина хурсанд эдилар. Кўпчилик авом халқ бу гаплардан беҳабар эди. Аммо хабардорлар, хусусан черков арбоблари бу каби ўзгаришлардан ғоятда аччиқланар ва ғазаблари қайнаб тошар эди. Улар «ғайридин» мусулмонлар «содда» европаликларнинг бошини айлантиришини зудлик билан тўхтатиш пайдан эдилар. Бу ниятни амалга ошириш учун тайёргарлик кўриб борар эдилар. Вақти соати келганда Ислом ва мусулмонларни ер юзидан супуриб ташлаш ниятида

«муқаддас уруш» эълон қилдилар. Тўла тўқс икки юз йил давом этган «Салб юришлари»ни эълон қилдилар.

«Олам ва одам, дин ва илм» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7619-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.